

ривожлантириш мақсадида 2001 йилдан ўтказиб келинаётган Миллий интернет фестивали фан ва таълим, тиббиёт, сайёҳлик, давлат бошқаруви, интернет ёрдамида хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётган, оилавий мавзуларда ижод қилаётган, энг муҳими, “.UZ” Миллий доменимиз мазмун-моҳиятига, ривожига ҳисса қўшаётган веб-сайтлар, саҳифаларга берилган юксак эътирофдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда рақамли иқтисодий ривожлантиришда АКТидан фойдаланиш жараёнлари ҳамда Ўзбекистон ҳудудларини рақамли ривожланиш даражаси шиддат билан ўсиб бормоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли Фармони.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида АКТини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 102-сонли Қарори.*

*Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотлари.*

*<http://www.uzinfocom.uz>*

## **АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ТАСНИФЛАШГА ЁНДОШУВЛАР, МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ ВА СИҢФЛАНИШИ**

*Х.Урдушев, и.ф.н, доцент,  
М.Т.Мавлянов, катта ўқитувчи,  
С.Эшанкулов, ўқитувчи*

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети  
“Ахборот технологиялари” кафедраси*

Кластерларнинг ривожланиши ХХ асрнинг ўрталарида Ғарбий Европа, АҚШ ва Англияга тўғри келади. Кластерли ёндашув 1990 йилларда Финландия, Жанубий Корея ва Бразилия каби мамлакатлар иқтисодийнинг асосига айланди. Рақобатбардошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли назариялари мавжуд. Ўрганишлар, энг рақобатбардош компаниялар, тармоқлар, ҳудудлар ва мамлакатларни ривожланиш амалиётида-иқтисодий ўсишнинг энг самарали шакли кластер механизми эканлигини кўрсатади. Унинг асосида иқтисодий фаолиятнинг энг самарали ва ўзаро боғлиқ турлари мужассамлашган, яъни ўзаро боғланган корхоналарнинг самарали рақобатлашувига асосланган гуруҳи, давлат иқтисодий тизими билан уйғунлашган ва тармоқнинг миллий ва халқаро бозорларда рақобат мавқеини таъминлайдиган “кластер” тушунчаси ётади<sup>133</sup>[1].

<sup>133</sup>[1]. Хамракул Урдушев, Мажид Мавлянов, Сирожиддин Эшанкулов, Гулхаё Розиева (2023). АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-

Кластер тушунчаси Портернинг кўплаб асарларида қўлланилади. Масалан, бунга, Портернинг 1998 йил Harvard Business Review (March–April 1990) журналинда “Clusters and the New Economics of Competition (Кластеры и новая экономика конкуренции - Кластерлар ва рақоботларнинг янги иқтисодийети” мақоласини келтиришимиз мумкин<sup>134</sup> [2]. Мазкур мақолада Портер “What Is a Cluster?-Кластер нима?” деган саволни қўйиб, унга қуйидаги жавобни беради: “Кластерлар - бу маълум бир ҳудуддаги ўзаро боғлиқ компаниялар ва муассасаларнинг географик концентрацияси. Кластерлар ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб тармоқларини ва рақобат учун муҳим бўлган бошқа объектларни қамраб олади. Буларга, масалан, бутловчи қисмлар, ускуналар ва хизматлар каби ихтисослаштирилган етказиб берувчилар ва инфратузилма ресурсларни етказиб берувчилар киради. Кўпинча кластерлар вертикалини тарқатиш каналлари ва истеъмолчиларга, горизонталини қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга ва кўникмалар, технологиялар ёки умумий харажатлар билан боғлиқ бўлган соҳалардаги компанияларга кенгайтиради. Ниҳоят, кўплаб кластерларга давлат ва бошқа муассасалари, яъни ихтисослаштирилган тайёрловчи, таълимчи, ахборотчи, тадқиқот ва техник ёрдам кўрсатишни таъминлайдиган, университетлар, стандартларни белгилайдиган агентликлар, таҳлил марказлари, профессионал мутахассисларни тайёрловчилари ва савдо уюшмалар киради”.

Портер асарларида кластерларга 10 яқин таъриф берилган.

Иқтисодийетга оид фанлар ва саноат соҳасида “Инновацион - саноат кластери”, қишлоқ хўжалигида “Агрокластер” ва туризм соҳасида “Туристтик кластер” атамалари қўлланилади ва таснифланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги иқтисодийетига оид тадқиқотларда “қишлоқ хўжалиги кластери”, “агрокластер”, “аграр кластер” ва “агросаноат кластери” каби атамалардан фойдаланилади. Ўрганишлар фан ва амалиётда кластерлар учун умумқабул қилиниши мумкин бўлган таснифмавжуд эмаслигини кўрсатади. Ўз ўрнида агрокластерлар “ишлаб чиқариш”, “фан ва таълим” ва “қишлоқ хўжалигини бошқариш минтақавий органлари” каби структуравий элементларга бўлинади ва ҳар бирининг барқарор ривожланишга эришишдаги роли аниқланади<sup>135</sup>[3]. Бугунги кунда минтақавий ривожланишни бошқариш бўйича хорижий амалиётда фаол қўлланиладиган кластерли ёндашув инновацион сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири сифатида қабул қилинмоқда<sup>136</sup>[4].

Қайд этиш лозимки иқтисодийетга оид илмий манбаларида кластерларнинг кўплаб таърифлари келтирилади. Уларнинг аксарияти кластерларни аниқлашга

---

гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(6), 115. [10.47390/SP1342V316Y2023N15](https://doi.org/10.47390/SP1342V316Y2023N15)

<sup>134</sup> [2]. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review, November-December. - 1998. - P. 77-90. <https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition> Clusters and the New Economics of Competition

<sup>135</sup> [3]. Урдушев Хамракул, Эшанкулов Сирожиддин. Мева - сабзавотчилик кластерларни шакллантириш босқичлари ва ривожланиш истикболлари. "Илм - фан ва инновацион ривожланиш" журнали. № 4., 2020. 89 - 101 б. ISSN 2181 - 9637 <https://www.slibrary.uz/uz/article/view?id=18005>

<sup>136</sup> [4]. Урдушев Хамракул, Эшанкулов Сирожиддин, Мавлянов Мажид Тўйчиевич. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини оширишда кластерлар ўрни. “Илм-фан ва инновацион ривожланиш” илмий журнали. 3 / 2021. 13-26 б. ISSN 2181-9637 <https://slib.uz/ru/article/view?id=18108>

ва қолганлари эса кластернинг турларига оиддир. Кластерни аниқлашга оид таърифлари: “кластерлар-корхоналар, ташкилотлар, компаниялар, фирмалар гуруҳлари сифатида; кластерлар - тармоқ сифатида; тизим сифатида кластерларни ташкил этиш” каби тушунча ва хусусиятларини қамраб олади. Қолганлари эса кластерларнинг: “худудий-ишлаб чиқариш, иқтисодий, саноат, минтақавий, агросаноат, инновацион” каби турларга ажратилиб таърифланади.

Табиийки, кластерларни шакллантиришда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади, шунинг учун дунёда кластерларнинг кўплаб турлари мавжуд. Шу боисдан кўплаб тадқиқотларда кластерлар турли белгилари ва хусусиятларига кўра тавсифланади.

Кластерни айрим таърифларини келтирамиз:

1)Ўзбекистонда мева-сабзавот кластерларини иккита йўналишда шакллантириш жорий этилмоқда<sup>137</sup>[5]:

*биринчи йўналиш:* мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёни мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери;


*иккинчи йўналиш:*қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида “уруғ –кўчат –маҳсулот етиштириш – тайёрлаш – сақлаш – қайта ишлаш –транспортровка қилиш – бозорга етказиш”тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантирадиган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери.

2)*Агросаноат кластери* – бир тармоқ корхоналарининг ягона технологик занжирга бирлаштирилган ўзаро ҳаракатлардан иборат бўлиб, барча иштирокчилар ҳаракатлари натижаси эса якуний маҳсулот бўлади, у – илмий-амалий ютуқлар, юқори технология-ларни қўллаш асосида - маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаб, харидорларга етказишга қадар бўлган жараёнларни қамраб олади, ва унда қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, сақловчилар, қайта ишловчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат, молиявий тизимлар ва корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади<sup>138</sup> [6]

3)*Чорвачилик кластери* - ўзаробоғланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тузилмаларининг мураккаб занжири бўлиб, уларнинг замонавий интеграциялашуви ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошишига асос бўлади.

<sup>137</sup>[5].Урдусев, Х. and Эшанкулов, С. 2021. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда мева-сабзавот кластерларининг ўрни. *Jamiyat va innovatsiyalar* . 2, 3/S (Apr. 2021), 301–315. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss3/S-pp301-315>.

<sup>138</sup>[6].Эшанкулов С., Урдусев Х. Мева-сабзавот кластерида узум ишлаб чиқариш ва сотишни оптималлаштириш масалалари // Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали.№2, май-июнь. 2019 йил. 1-17 б. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/31\\_Eshonkulov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/31_Eshonkulov.pdf)



**1-расм. Кластерларнинг синфланиши<sup>139</sup>[8].**

Бозорда рақобатбардошлик – тақдим этилаётган маҳсулотнинг сифат ва баҳоси билан белгиланади, ўз ўрнида маҳсулот баҳоси унинг таннархга боғлиқ бўлиб, баҳонинг таннархдан паст бўлиши банкротликка олиб келади. Чорвачилик кластери – бу, қорамолчиликни ривожлантиришга ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзаро ҳаракатларининг очиқ тизимидир<sup>140</sup>[7]. Улар

<sup>139</sup> [8]. Гейша О.Д. Классификация кластеров в экономике. ВЕСТНИК ВГУ. Серия: ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ. 2019. № 4. - С. 39-43. <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/econ/2019/04/2019-04-06.pdf>

<sup>140</sup>[7].Мавлянов М.Т. (2019). Чорвачиликни ривожлантиришда оптималлаштириш усуллари кўллашнинг афзалликлари// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармасининг



кооперацион алоқалар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини бошқариш функциясини бажарувчи интегратор - компания атропоиди курилади.

4) *Мева – сабзавот кластери*, бу – географик жиҳатдан концентрациялашган тармоқ, бир – бирини ўзаро тўлдирувчи бозор субъектлари (қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари, илмий – тадқиқот ва таълим муассасалари, корхоналар, банклар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқ.) бўлиб, у фаолиятини озиқ – овқат ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга ва маҳсулотларни сотишга, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш масалаларини, атроф – муҳит муҳофазасини, глобал муаммоларнинг локал масалаларини ҳал этишга йўналтиради ва жойлашувига кўра уникал рақобатли устунликларга эга бўладиган, фан ютуқларини, инновацион қўллайдиган, бир – бирини ўзаро тўлдирувчи бозор субъектларининг турли тармоқлари тизимини ташкил этади<sup>141</sup>[9].

Шунингдек, қишлоқ хўжалик кластерларига оид бошқа таърифлар А.Кодиров Ф.Назарова М.Т.Мавлянов А.Бурханов Ч.Муродов ва Ш.Ҳасановлар каби олимларнинг илмий мақолаларида ёритилган.

Кластерларни турли хил турлари ва белгилари бўйича таснифлаш ва синфлаш мумкин (расм). Кластерлар синфланиши (классификацияси), синфлашни қуйидаги белгиларини қамраб олади:

- худудий қамрови бўйича (Porter M.);
- кластернинг ривожланиш стадияси (босқич)ига кўра (Andersson T., Schwaag S.); маҳсулотларнинг янгилик даражасига кўра (Carlos A. Carvajal, Chihiro Watanabe);
- “иш ўринлари ҳажми қараб, иш ўринлари сони бўйича” ва “тармоққа мансублиги бўйича” (Roger R. Stough, Peter Arena); ҳажмига кўра, экспортдан олинадиган фойда даражасига қараб (Mehta Dh., Shukla P.);
- ўзаралоқалар структурасидаги фарқлар бўйича (Heany D.F., Weiss G.); инновация даражасига кўра; билимлар алмашиш ва ундан фойдаланиш тизимидаги роли бўйича (ОЭСР);
- кластер структураси элементларининг мавжудлиги ва уларнинг ривожланиш даражаси бўйича (Финландия иқтисодиётни тадқиқ қилиш институти); кластер иштирокчиларининг агрегациялаш даражаси бўйича (Бондаренко В.);
- кластерга кирувчи корхоналарнинг тармоқ хусусиятига кўра (Россия Федерациясининг кластер концепцияси сиёсати).

---

“UzBridge” электрон журнали. 2-сон. Октябрь, 2019 йил. 12-26 б. [uzbridge.eyuf.uz](http://uzbridge.eyuf.uz/uzbridge.eyuf.uz/maqolalar/Maqola_2_son_2019.pdf)  
[http://uzbridge.eyuf.uz/uzbridge.eyuf.uz/maqolalar/Maqola\\_2\\_son\\_2019.pdf](http://uzbridge.eyuf.uz/uzbridge.eyuf.uz/maqolalar/Maqola_2_son_2019.pdf)

<sup>141</sup> [9]. Урдушев Х., Эшанқулов С. Кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш усуллари билан такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармасининг “UzBridge” электрон журнали. 2-сон. Октябрь, 2019 йил. 12-26 б. <http://uzbridge.eyuf.uz/>